

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида

« 22 » июль 2019 йилда

рўйхатга олинган


Рўйхатга олиш рақами 8018

Ўзбекистон Республикаси

Марказий банки раисининг

ўринбосари

Б.Э. Захидов



М.Ў.

«HI-TECH BANK»

**хусусий акциядорлик тижорат банки
уставига киритилган ўзгартиришлар**

«ТАСДИҚЛАНГАН»

«HI-TECH BANK» ХАТБ

Акциядорларнинг умумий йиғилишининг
2019 йил 29 июндаги қарори

Акциядорлар умумий йиғилиши раиси


А. А.Тохтасинов
М.Ў.

**«HI-TECH BANK» хусусий акциядорлик тижорат банкининг уставига киритилган
ўзгартиришлар
МАТНИ**

1. Банк Уставининг 3.14. банди олиб ташлансин:

«Чет эл валютасидаги операцияларни амалга ошириш учун Марказий банк томонидан берилган Бош лицензия мавжуд бўлган тақдирда, Банк мазкур лицензия ва Марказий банк томонидан белгиланган қоидалар асосида чет эл валютасидаги операцияларни амалга оширишга ҳақлидир.»

2. Банк Уставининг 5.3. банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Банк Устав капиталининг миқдори 101 628 761 890 (бир юз бир миллиард олти юз йигирма саккиз миллион етти юз олтмиш бир минг саккиз юз тўқсон) сўми ташкил қилади ҳамда номинал қиймати 1 565 (бир минг беш юз олтмиш беш) сўм бўлган 64 938 506 (олтмиш тўрт миллион тўққиз юз ўттиз саккиз минг беш юз олти) дона эгасининг номи ёзилган ҳужжатсиз оддий жойлаштирилган акциялардан иборат.»

3. Банк Уставининг 6.11. банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Банк Устав капиталини кўпайтириш мақсадида, жойлаштирилган акцияларига кўшимча равишда жойлаштиришга ҳақли бўлган эълон қилинган акцияларининг сони номинал қиймати 1 565 (бир минг беш юз олтмиш беш) сўм бўлган 10 383 383 (ўн миллион уч юз саксон уч минг уч юз саксон уч) дона оддий, ҳужжатсиз, эгасининг номи ёзилган акциялардан иборат.»

4. Банк Уставининг 7.8. банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Банк томонидан акцияларни ва акцияларга айирбошладиган, ҳақи пул маблағлари билан тўланадиган эмиссиявий кимматли қоғозларни жойлаштиришда овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар уларни имтиёзли равишда олиш ҳуқуқига эга.»

5. Банк Уставининг 11.7. бандининг н) кичик банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«н) мажбурий аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини белгилаш, ушбу ташкилотнинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиш;»

6. Банк Уставининг 11.15. банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги хабар акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан камида 21 кундан кечиктирмай, лекин узоғи билан 30 кун олдин, Банкни қайта ташкил этиш масаласи кўрилган ҳолда йиғилиш ўтказилишидан 30 кун олдин Корпоратив ахборот ягона порталида, Банкнинг расмий веб-сайтида, оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади, шунингдек акциядорларга электрон почта орқали юборилади.»

7. Банк Уставининг 11.17. банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган сана уни ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан эътиборан 24 кундан кам ва 30 кундан кўп этиб белгиланиши мумкин эмас.»

8. Банк Уставининг 12.3. бандининг е) кичик банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«аудиторлик текширувини ўтказиш (мажбурий аудиторлик текшируви бундан мустасно), аудиторлик ташкилотини белгилаш, унинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиш;»